



Худуднинг меъморий қиёфасини яратиш – институтимизнинг бош вазифасидир

2-бет



Янги йўлларда шовқиндан ҳимоялаш экрани бўлиши режалаштирилмоқда

3-бет



РАМАЗОН ҲАЙИТИ муборак бўлсин!

4-7-бетлар



Абадий боғ

8-бет



О‘ЗБЕКИСТОН БУНЙОДКОРИ

ЎТМОИЙ-ЎҚИСОДИЙ ГАЗЕТА

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 30-31 (583-584)

2022 йил 29 апрель, жума

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@mail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА



ЖАҲОН БАНКИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Қурилиш вазирлигида Жаҳон банки вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Батир Закиров ҳамда делегация аъзолари иштирокида кечган суҳбатда Жаҳон банкининг техник кўмағида амалга оширилаётган “Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси ва унинг доирасида Ўзбекистоннинг шаҳарсозлик тизимини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Бу йўналишдаги ишларни такомиллаштиришда Қурилиш вазирлигига халқаро маслаҳатчи Барт Мускенс ва маҳаллий маслаҳатчи Баҳром Ходжаевлар жалб этилган. Ушбу экспертларнинг таҳлили асосида Ўзбекистоннинг туртта шаҳарда бош режа тажриба лойиҳалари, икки вилоятнинг ривожланиш схемалари ва тажриба лойиҳалари ишга туширилади. Шу тариқа Ўзбекистоннинг бош режасини ишлаб чиқишда кўмак берилади.

Лойиҳалар “ЎшаҳарсозликЛИТИ” лойиҳа институти билан ҳамкорликда халқаро тажриба, жумладан, ГИС тизимлари асосида ишлаб чиқилади. Лойиҳанинг устувор йўналишларидан бири бош режаларни аҳоли учун имкон қадар оқиб ва шаффоф қилишдир. Бош режаларни модернизация қилиш



шаҳарсозлик лойиҳаларига хусусий инвестицияларни жалб қилиш учун шароит яратлади. Бундан ташқари, амалий ишлар доирасида режалаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатлар такомиллаштирилади. Бу Ўзбекистон учун ўзига хос лойиҳа бўлиб, мазкур тизимни янги бошқича олиб чиқади.

– Қурилиш вазирлигида биргаликда қурилишни режалаштириш бўйича умуман минтақавий ва миллий режаларни яратиш бўйича иш олиб бордик, – деди халқаро маслаҳатчи Барт Мускенс. – Шу бўйича кўмак бериш мақсадида бу ерга келдик. Аниқ мақсадимиз – салоҳиятни оширишга ёрдам бериш-

дан иборат. Яъни, биз турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, уларнинг ходимларини салоҳиятини оширамиз, тизимларни янгилаймиз. Хусусан, Қашқадарё ва Сурхондарёда бир қанча лойиҳаларга тайёргарлик ишлари кўриляпти. У ерда ҳам ахборот кўмағи тарзида Жаҳон банки иш олиб бормоқда. Тавсиялар борасида биз асосан Генпланларни яратиш бўйича йўналиш бериш билан шуғулландик. Уларга ўз тажрибамиздан фойдаланган ҳолда хусусий сармояларни қандай йўналтириш мумкинлиги ва рағбатлантириш йўли билан шу шаҳарсозликни ривожлантиришни тушунтирдик. Президент

Шавкат Мирзиёев шахсан бу соҳага жиддий аҳамият бергани қувонарли ҳолат. Чунки шаҳарлар замонавий бўлиши зарур. Уларни мегаполисга айлантириш баландпарвоз туюлса ҳам бу ерда замонавийликка бўлган талаб юқори. Шунингдек, шаҳарлар ривожланиб, ўсиб бораётганини ҳам кўряпмиз. Лекин бу ўсиш кенгайиш ҳисобига бўлапти, аслида эса уларнинг зичлиги ортиб, юқорига қараб ривожланишига эътибор бериш керак. Чунки ҳар хил хизматлар, масалан, қурилиш ва коммунал соҳалари зичлиги баландроқ шаҳарларда осон ечим топади. Шу боис, мана шундай жиҳатларга катта аҳамият бериш лозим.

КОРЕЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ҲАМКОРЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Вазирлик қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш марказида “Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик нормалари ва қондаларини модернизация қилиш” ҳамкорлик лойиҳаси бўйича Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг мутахассислари иштирокида навбатдаги онлайн мулоқот бўлиб ўтди.

Икки томон соҳа мутахассислари, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги, Давлат ёнгин назоратини ташкил этиш бош бошқармаси мутасаддилари иштирокида кечган музокарада бош ва иншоотларни иситиш, совуштириш ҳамда шамоллатиш ва ёнгин хавфсизлигига доир меъёрий ҳужжатлар бўйича Ўзбекистон, Корея, АҚШнинг қурилиш меъёрий ҳужжатлари, стан-

дартлари таҳлил қилинди. Ҳамкорлик лойиҳасини амалга ошириш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Кореялик мутахассислар бир ой ичида миллий нормативларга мос тарзда хулоса ва таклифлар беришни зиммаларига олди ҳамда бошқа йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлар йўналишларини мунтазам давом эттиришга келишилди.

МУРОЖААТЛАР ЎТГАН ЙИЛГА НИСБАТАН КўПРОҚ

Райҳона ХҲЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун аҳолининг давлат идораларига ўз муаммолари юзасидан мурожаат қилиш усуллари ва воситалари кўпайди. Қувонарлиси, ҳақ-хуқуқини яхши билган инсонгина муаммосининг ечимини қидиради.

Қурилиш вазирлиги тизимига келиб тушган мурожаатлар мавзу жиҳатдан турлича бўлса-да, барчасида энг аввало инсон манфаатлари ва уларнинг фаровонлиги масаласи мужассамлигини кўриш мумкин. Муҳими, каттаю кичик масаланинг барчаси мутасаддиларнинг доимий эътиборида.

Хусусан, 2022 йилнинг биринчи чораги бўйича вазирликка келиб тушган барча мурожаатлар сони – 1 382 тани ташкил қилган. Бу – ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда (ўтган йили 1 080 та) 302 та кўп деганидир.

Шундан: ёзма – 131 та; электрон – 1223 та. оғзаки мурожаатлар – 28 тани ташкил қилади.

Натижага кўра: чора кўрилгани – 491 та; тушунтирилгани – 437 та; рад этилгани – 13 та; такрорий мурожаатлар – 28 та; кўриб чиқиш жараёнида бўлганлари – 238 та.

Мурожаатларнинг мазмун-моҳиятига кўра, қуйидагича тартибланиш мумкин: архитектура йўналишида – 76 та; ер масаласида – 201 та; Ноқонуний қурилишлар – 527 та; қурилишда сифат – 373 та; тендер масаласи – 6 та; уй-жой бўзилиши – 23 та; норматив ҳужжатлар бўйича – 9 та; лицензия масаласи – 5 та; тадбиркорлик – 13 та; нотурар жойни турар жойга айлантириш – 21 та;

ҳодимлар хатти-ҳаракатидан норозилик – 52 та; таълим йўналиши – 17 та; қурилишга рухсат бериш – 38 та; рейтинг масаласи – 20 та; бошқа масалаларда қилинган мурожаатлар сони – 201 та; Мурожаатларнинг энг кўпи Тошкент шаҳридан келиб тушган – 426 та.

– Ҳар бир мурожаат эгасини қаноатлантириш биринчи вазифамиз, – деди Мурожаатлар бўлими бошлиғи Улуғбек Раҳимов. – Энг аввало, ҳар бир мурожаатни эшитиб, қайси йўналишда ёки қайси бошқармага тегишли экани аниқланади. Мураккаб масалалар бевосита мутахассислар томонидан жойларга чиқиб, текшириб, урганилади. Шунга кўра жавоб берилади. Лозим бўлса, тегишли тарзда қабуллар уюштирамиз. Бир сўз билан айтганда, вазирликка қайсидир муаммоси билан келган кишининг ҳеч бир мурожаати четда қолмайди.

ЧЕККА ҚИШЛОҚДА ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ



Нукус туманидаги “Қрантаў” овул фуқаролар йиғини ҳудудида “Aqman‘it kamalak invest” масъулияти чекланган жамиятига қарашли тикувчилик корхонаси ишга тушди, дея хабар беради ЎЗА мухбири Довуд Абибуллаев.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига асосан Оролбўйи аҳолиси турмуш фаровонлигини

юксалтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш орқали иш ўринлари яратиш, аҳолини қийнаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус туманига Самарқанд вилояти бирик-тирилган эди.

2022-2023 йилларда Нукус туманини жадал ривожлантириш мақсадида Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда салоҳиятли тадбиркорлар билан ҳамкорликда сановат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида умумий қиймати 513,1 миллиард сўмлик 34 та лойиҳа амалга оширилиб, 2070 та янги иш ўрни яратилади. Бунда асосан тумандаги “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Қиймати 5,4 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳанинг ишга туширилиши билан юзта иш ўрни яратилди. Йилига 150 минг донга тикувчилик маҳсулотини ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонага қабул қилинган янги ишчиларни ўқитиш ва тажрибаларини ошириш мақсадида Туркия давлатидан тажрибали мутахассислар жалб қилинган.

Келгусида корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ички бозорни таъминлаб қолмасдан, ташқи бозорларга ҳам экспорт қилиниши режалаштирилган. Тадбир иштирокчилари янги корхонада ишчи-ҳодимларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

ҚУРИЛИШ ИҚТИСОДИЙ КЛАСТЕР БЎЛА ОЛАДИМИ?

Ислом ИБОДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Турли ташкилотларда ишлаётган дўстлар йиғилишиб қолдик. Сўхбат давомида ўртага савол ташланди: "Ўзбекистонда sanoat эмас, қурилиш ривожланипти, бу иқтисодийни ўстирадими?" деган фикрга ўзимдан бошқаларнинг гапи бир жойдан чиқди.

– Қурилишлар Ўзбекистон иқтисодийтини орқага суради.

Бундай қаралса, жамиятда бундай фикр-дағилар кўп экан. Аслида, улкан қурилиш жараёнлари иқтисодий учун зарарми? Бугун ушбу савол кўпчиликини қизиқтириши табиий. Чунки охириги йилларда ён-атрофимиз иншоот реконструкцияси майдонига айланди. Бирор кўча ёки маҳалла йўқки, қурилишнинг нафаси кирмаган бўлса.

Нега биз sanoatни ривожлантирмаймиз? Коллежда ўқитган пайтимда иқтисод фани ўқитувчимиз қизиқ гапни айтган эди: "Ўзбеклар – савдогар халқ, Дубайдаги энг йирик ўзбек тадбиркорининг даромади ун заводидан келади. Биз ҳали-ҳамон тадбиркорликни еб-ичиш ва саводдан иборат, деб ўйлаймиз." Очиги, араб давлатлари ёки хорижда ўз бизнесига эга ўзбекларнинг фаолияти нима билан боғлиқ – ортқича маълумотга эга эмасман. Аммо Ўзбекистонда кўпчилик учун тадбиркорлик яқин-яқингача

бозордан ижарага неча қўлч раста олиш билан ўлчанар эди. Sanoat бу эмас, албатта. Шу ўринда, Ўзбекистонда қурилиш соҳасига эътибор иқтисодий саноатлаштиришдан кўра мақбулроқдек кўринади. Негаки, sanoatда ишлаб чиқаришга яраша бозор ҳам бўлиши керак.

Эндиликда, Ўзбекистон ривожланишда ўзига қулай йўлни танлади. Бу – қурилиш тармоғи. Агар Ўзбекистонда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2017 йилда 5,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 8,7 фоизга кўтарилган. Бунда қурилиш ҳажми эса 2017 йилда 6,0 фоизни ташкил этиб, 2020 йилда қарийб 9,5 фоизга ўсган. Биз нега қурилишни танладик? Бу ҳозирда кўпчиликини ўйлантираётган саволлардан бири бўлиб қолмоқда. Қуйида бу йўлнинг ижобий томонларига эътибор қаратасан.

Қурилиш соҳасидаги ўсиш миллий иқтисодийнинг двигатели ўлароқ хизмат қилиб, ривожланишнинг ўзига хос йўли сифатида кўрилиши мумкин. 2017 йилда қурилиш тармоғининг ялпи ички маҳсулот таркибидagi улуши 5,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 7,0 фоиздан ошган. Албатта, Ўзбекистон кўп йиллар эски шаҳарсозлик анъаналари билан яшаб келди. Шаҳарлар бирмунча зерикарили бўлиб, урбанизация жараёнлари пастигича қолди. Бундай вазиятда қурилиш соҳасининг жонланishi мамлакатимизнинг ташқи кўринишини ҳам мутаассир этди.

Айни шу жойда қурилиш соҳасига қаратилаётган эътиборнинг ижобий томонлари кўзга ташланади. Масалан, биргина уй-жой қуриш учун қурилиш материали керак. Мазкур зарурат эса, қурилиш моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона қуришга туртки бўлади. Хусусан, қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони уч йил ичида 17 мингга ошиб, 2021 йил бошига кўра, 41,0 мингга ташкил этган. Бундай корхоналарнинг қурилиши эса, иш ўринларининг очилишига замин ҳозирлайди. Ҳозирда қурилиш йирик иқтисодий кластерига айланиб, йирик бозор сифатида бевосита sanoat, бўш иш ўринлари ва хизматлар соҳасининг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, қурилишда банд бўлганларнинг сони уч йилда 15,6 мингга ошиб, 1,3 миллион нафарни ташкил этмоқда. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда иқтисодийда банд бўлганларнинг қарийб 10 фоизи мазкур тармоққа тўғри келаяпти.

2017 йилда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 35,0 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 107,4 триллион сўмга етган. Шунингдек, иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қилинганда, бажарилган қурилиш ишларининг асосий қисми бино ва иншоотларни қуришга тўғри келмоқда. Ўлкамизда бинокорликнинг ҳар йили маълум даражада юқорилаб бораётгани, аслида параллел тармоқларнинг жонланishi таъминлагани ҳисобига хавотирли бўлмаслиги мумкин.

НАЗОРАТ – СИФАТ МЕЗОНИ

Шухрат НОРМУРДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Кейинги йилларда Қашқадарё вилояти ҳам республикаимизнинг барча ҳудудлари каби улкан қурилиш ва бунёдкорлик марказига айланган. Маълумки, қуриляётган ҳар бир бино, иншоот узоқ вақт ва барқарор хизмат қилиши учун унинг сифатли бўлиши талаб этилади. Бу жараёнда эса қурилиш ишларининг мунтазам назорат қилиниши тақозо этилади.

Бу борада ўтган йили Қашқадарё вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан 2 минг 744 та (шундан: 389 та ижтимоий-соҳа, 107 та кўп қаватли турар жой бинолари, 2 минг 248 та тадбиркорлик ва бошқа объектлар) ижтимоий-инфратузилма объектлари қурилиши рўйхатга олинган.

– 2021 йилда рўйхатдан ўтган объектлар қурилиш бўйича "Қурилишда назорат" шаффоф электрон тизими орқали 12 минг 799 марта назорат ишлари

ўтказилди ва 6 852 та (шундан: пудратчиға 2 668 та, буюртмачиға 2 430 та, лойиҳачиға 1 754 та) бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма хатлари берилди. Бу кўрсатмалардаги камчиликларни ўз вақтида бартафат этмаган 222 та шаҳарсозлик субъектларининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, жаримага йўналтирилди, – деди вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи Ўлмас Панжиев.

Ҳудудларда бош режага риоя қилиш бўйича назорат ишларини олиб боришда 90 та ҳолатда ноқонунийликлар аниқланди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан ноқонуний равишда қуриляётган 117 та объектда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ноқонуний қурилган 3 та объект буздирилиб, 10 та ҳолатда эса ҳокимликларнинг ер ажратиш тўғрисидаги қарорлари бекор қилинди. Буюртмачи томонидан тайинланган техник назоратчининг назорат ишлари қоникарсизлиги бўйича 57 та, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати бўйича 12 та, объ-

ектларда сифатсиз материаллар ва буюмларни қўлланилаётгани ҳолатлари бўйича ишлаб чиқарувчиларга 27 та, жами 96 та тақдирномалар киритилди.

Маълумотларга кўра, жорий йил ўтган йилгича қараганда вилоятда қурилишлар салмоғи янада ошади. Бу борада яқинда Президентимизнинг вилоятга ташрифи давомида ҳам маълум қилиниб, шу ташаббуслар асосида улкан режалар ва дастурлар амалга оширилиши кутилмоқда. Шу бўйича ҳар бир қурилиш объектининг пойдеворидан то пардозига қадр сифатли бўлишини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда 2022 йилги дастур доирасида вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан, Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон, қарорлари асосида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг раёсат беворлари бўйича қарийб 600 дан ортиқ объектлар қурилиши устидан давлат назоратини ўрнатилиши режалаштирилган. Мазкур дастурлар асосида қурилиш бошланган 143 та объектлар инспекция томонидан рўйхатга олинган ва назорат ўрнатилиши таъминланган.

"Архитектура – бу илм, санъат, математика, техника, иқлим, табиат, сиёсат, иқтисодийётни ўзига муҳасам қилган фандир".

Норман ФОСТЕР,

британиялик архитектор, Халқаро Притцкер мукофоти лауреати.

ҲУДУДНИНГ МЕЪМОРИЙ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШ – ИНСТИТУТИМИЗНИНГ БОШ ВАЗИФАСИДИР



Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида Адидлар хиббони



Тошкент туманидаги Қўсарой шаҳар посёлқаси лойиҳаси



Тошкент вилояти Статистика бошқармаси лойиҳаси



Самарқанд тумани маркази Гулобод посёлқаси лойиҳаси

Маҳмуджон МУСАЕВ,
"ТошкентбошпланЛТИ" институти
бош архитектори.

Тошкент шаҳри замонавий геосийёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитда халқаро муносабатларнинг янги маркази, давлатимизнинг иқтисодий тараққийётининг етакчи шаҳри сифатида фаол ривожланмоқда. Юқори ривожланиш суръатлари, иқлим, демографик ва ижтимоий-иқтисодий шароитларининг ўзига хос хусусиятлари Тошкент шаҳри шаҳарсозликнинг алоҳида объекти сифатида ажратиб кўрсатишни талаб қилади. Шунингдек, лойиҳалаш ишлари тизимини стратегик узоқ муддатга тизимли равишда ривожлантириш, Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг муҳим алоҳида қисмлари ва шаҳар инфратузилмасини батафсил ишлаб чиқишини тақозо этади.

Бизнинг институт – "ТошкентбошпланЛТИ" давлат унитар корхонаси 1969 йилда ташкил этилган. Институтга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти шаҳарлари ҳамда Самарқанд шаҳрининг шаҳарсозлик лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош ташкилот вазибалари давлатимиз томонидан

юқланган. Бугунги кунда институтимиз мазкур шаҳарларнинг шаҳарсозлик муаммоларини ҳал этиш фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.

"ТошкентбошпланЛТИ" Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳоли пунктларини архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ўз вақтида сифатли ишлаб чиқариш, лойиҳа ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида 2018 йил 2 февралда қабул қилинган "2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3502-сонли қароридан келиб чиқиб, институт қуйидаги йўналишларда бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, лойиҳалаш ва смета ҳужжатлари сифатини доимий равишда ошириш, лойиҳалаш ва иш юритиш жараёнларини автоматлаштириш, институт ходимларининг маълумоти ошириш, компьютер дастурлари ва технологияларини жорий этиш, эскирган ускуналарни алмаштириш, ёш мутахассисларни фаол жалб этиш каби вазифалар институт самардорлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Институтда ҳозирги кунда лойиҳалар ишлаб чиқариш бўйича 7 та бўлим фаолият кўрсатади. Булар – Илмий лойиҳа, Бош режа, Архитектура-қурилиш,

Йўллар ва ҳудудни муҳандислик тайёрлаш, Муҳандислик инфратузилма, Электротехника ва Сметалар бўлимидир. Бу бўлимлар томонидан 2021 йилда бир қанча йирик мўҳсадаги объектлар лойиҳалари яратилган. Жумладан, Тошкент вилояти Ангрэн шаҳри марказий қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳаси корректураси, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри бош режасининг шаҳарсозлик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ва батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш (Инновацион шаҳар), Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Қорахитой шаҳар посёлқасининг 2040 йилгача мўлжалланган бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти Бўка шаҳрининг 1- ва 2-ҳудудлар 2030 йилгача мўлжалланган батафсил режалаштириш лойиҳаси, Тошкент вилояти Тошкент тумани Келес шаҳрининг 2040 йилгача мўлжалланган бош режасининг шаҳарсозлик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ва марказий қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 19-сон мактабни таъмирлаш, Нурафшон шаҳрининг маъмурий-марказий қисмининг Нурафшон бизнес-сити концепцияси асосида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, Тошкент тумани Шамсубод шаҳар посёлқасининг 2040 йилгача мўлжалланган

бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш кабилар ҳам институтимиз мутахассисларига тегишли.

Шунингдек, Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзесидagi Юқори Қўрақамчи кўчасини ТХАЙ билан боғловчи Г-60 ва Г-46 кўчаларини қуриш ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини қайта ишлаб чиқиш, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани ҳудудидаги "Заҳарик" коллекторининг Учлола берк кўчасидан "Қуйи жангоҳ" коллекторигача бўлган 600 метр қисмини ёпиқ ҳолатга олиш ҳамда 700 метр коллектор усти ва унга туташ ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш, "Қипчоқ" шоҳ бекати, "Чоштепа" шоҳ бекати, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида Адидлар хиббони ягона мажмуаси қурилиши ҳам шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносининг иситиш, вентилация, ҳавони кондиционерлаш тизимини жиҳозлари ва коммуникациялари билан мукамал таъмирлаш, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Қўсарой шаҳар посёлқасининг 2040 йилгача мўлжалланган бош режасини ишлаб чиқиш, Тошкент шаҳри, Янги Ўзбекистон кўчасига туташган ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳасининг дастлабки лойиҳа тақлифи ҳам институт ходимларининг ўтган йил

ги ижод маҳсуллари сифатида вужудга келган.

"ТошкентбошпланЛТИ" томонидан Самарқанд вилоятида ҳам бир қанча муҳим аҳамиятга эга объектлар лойиҳалари яратилди. Хусусан, Самарқанд шаҳри, Беруний ва Рудакий кўчалари кесимларидан Шоҳи зинда мажмуасигача бўлган йўл қайта таъмирлаш ишлари. 1-босқич ПК0+00 дан ПК10+00 гача (Беруний кўчасидан Гагарин кўчасигача) 1 километр, Самарқанд шаҳар Беруний ва Рудакий кўчалари кесимларидан Шоҳи зинда мажмуасигача бўлган йўл қайта таъмирлаш ишлари. 2-босқич ПК10+00 дан ПК29+51 гача (Гагарин кўчасидан туннель бошигача бўлган қисмда) 2 километр якуновчи босқичда каби лойиҳалар шулар жумласидандир.

2022 йилда ҳам институт жамоаси йирик лойиҳалар яратишда давом этиб келмоқда. Буларга Тошкент вилояти Чиноз тумани Чорвадор шаҳар типидagi посёлқанин 2042 йилгача мўлжалланган бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳаси, Тошкент вилояти Чиноз тумани Янги Чиноз шаҳар типидagi посёлқанин 2040 йилгача мўлжалланган бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб

чиқиш, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Қорасув шаҳар типидagi посёлқанин 2040 йилгача мўлжалланган бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган "Янги Ўзбекистон" массивини қуриш лойиҳаси (муҳандислик коммуникациялари), Тошкент шаҳри, Сергели туманида "Алишер Навоий" массивини қуриш, ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш лойиҳаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани маркази Гулобод шаҳар типидagi посёлқанин батафсил режалаштириш лойиҳаси ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда архитекторларимиз хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри бош режасининг ривожланиш стратегияси устида ҳам иш олиб боришмоқда. Тошкентни архитектуравий жиҳатдан ривожлантиришда унинг ўзига хос маданияти ҳам инobatга олинди. Бу борада экологик жиҳатга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Қўлайлик ва хавфсизлик ҳам бирламчи масала. Аҳолини талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда шаҳарни кенгайтириш, қиёфасини босқичма-босқич ўзгартириш, бунда ҳар бир лойиҳа устида чуқур изланишлар олиб бориш бирламчи вазифадир.

ЯНГИ ЙЎЛЛАРДА ШОВҚИНДАН ҲИМОЯЛАШ ЭКРАНИ БЎЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Лобар ОЧИЛОВА,
"Йул-лойиха бюроси" матбуот котиби.

Мамлакатимизда халқаро стандартларга мос йул-транспорт инфратузилмасини яратиш ва мустаҳкамлаш, замонавий автомобиль йўллари, кўприклар, ерости йўлакларни қуриш, йўлларда ҳаракатланиш қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар бунда муҳим омили бўлмоқда.

Аслида бу борадаги ишлар бундан уч йил аввал "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш доирасида бошланганидан баҳарингиз бор. Ўтган вақт мобайнида мазкур йўналишда 1 500 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллалардаги йул-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда иқтисодий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилган. Хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Шунингдек, ушбу масканларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган ишчи, минтақавий ва транзит алоқа йўлларидаги вақтни озайтириш, Ўзбекистонда хавфсиз ва барқарор автомобиль йўллари тармоқларини яратиш ҳисобланади.

Шу мақсадда, "Йул-лойиха бюроси" МЧЖ мутахассислари томонидан умум-ойдаланувдаги халқаро аҳамиятга эга М39 "Алмати-Бишкек-Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз" автомобиль йўлининг Тошкент-Самарқанд қисмини қайта қуриш, таъмирлаш ҳамда халқаро ва миллий мей-



ёрий талаблар асосида цементбетонли қопламага ўтказиб реконструкция қилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Мазкур автомобиль йўлида ҳозирги кунда бир сатҳда чапга бурилиш ва орқага қайрилиш олиш жойлари ҳамда пидедалар ўтиш йўлаги мавжудлиги, йўл бўйида турли хизмат кўрсатиш шохобчаларининг кўплиги, юк автомобилларининг йўлга тўғридан-тўғри қўшилиши сабабли кўпба-тирбандликлар юзга келмоқда. Ташкилотимиз мутахассислари томонидан таклиф этилган янги лойиҳага биноан, йўлнинг мазкур қисмини қайта қуришда автомобиль йўлининг 10 км ли 817-827 километр қисми (Тошкент-Чиноз) лойиҳаланиб, унда йўл пойи кенглиги 66-80 метрга, қатнов қисми 10 тадан 14 тагача тасмали маҳаллий йўллари билан бўлиши кўзда тутилган. Йўл кесимларида турли сатҳда 4 та кўприк ва йўл ўтказишлар лойиҳаланиб, чап

ёрий талаблар асосида цементбетонли қопламага ўтказиб реконструкция қилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Мазкур автомобиль йўлида ҳозирги кунда бир сатҳда чапга бурилиш ва орқага қайрилиш олиш жойлари ҳамда пидедалар ўтиш йўлаги мавжудлиги, йўл бўйида турли хизмат кўрсатиш шохобчаларининг кўплиги, юк автомобилларининг йўлга тўғридан-тўғри қўшилиши сабабли кўпба-тирбандликлар юзга келмоқда. Ташкилотимиз мутахассислари томонидан таклиф этилган янги лойиҳага биноан, йўлнинг мазкур қисмини қайта қуришда автомобиль йўлининг 10 км ли 817-827 километр қисми (Тошкент-Чиноз) лойиҳаланиб, унда йўл пойи кенглиги 66-80 метрга, қатнов қисми 10 тадан 14 тагача тасмали маҳаллий йўллари билан бўлиши кўзда тутилган. Йўл кесимларида турли сатҳда 4 та кўприк ва йўл ўтказишлар лойиҳаланиб, чап

лари олиб ташланган. 5 та жойда ер ости ўтиш йўлаги мавжуд.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳали ҳеч қачон қўлланилмаган янгилик бу – аҳолини осойишталигини таъминлашда шовқиндан ҳимоялаш экранни бўлиб, асосан автомобилнинг ҳаракатланиш шовқини эшитилмаслиги учун қўлланилади. Бунда автоуловларнинг шовқини сезиларли даражада пасаяди, ҳаракатланиши яхшиланади, аҳолининг ерости пидедалар ўтиш йўлагидан хавфсиз ҳаракатланиши таъминланади.

Мамлакатимиз иқтисодийнинг ривожланиш омили халқаро ва республика даражасидаги йўлларнинг нафақат қўламли, балки сифатига ҳам боғлиқ. Ҳар қандай автомобиль йўли тармоғининг асоси юк ва йўловчиларни ташишни кўзлаб лойиҳаланиши шарт. Йўлларнинг тармоғида халқаро ва мамлакат аҳамиятидаги йўллар қанчалик кўп бўлса, ўша давлат иқтисодийнинг юксалиши янада ошади. Йўлнинг аҳамияти қанчалик катта бўлса, шунча кўп автомобиль унда ҳаракатланади ва қўйилмаган талаблар ҳам шунча кўпаяди. Автомобиль йўлларининг самарали ишлаши, улардаги эркин ва хавфсиз ҳаракат учун шароитнинг яратилиши – мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Ташкилотимиз ходимлари томонидан яратилаётган лойиҳа-муҳандислик ишларида илгор инновацион технологиялар ва янги дастурий-маҳсулотларнинг дадил қўлланилаётгани, юкка салоҳиятли мутахассисларимизнинг фаол иш олиб бораётгани, хоризждаги турдош ташкилотлар билан доимий ва яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани, замонавий техника ва технологияларнинг мавжудлиги йўллар, кўприклар ва ерости йўлакларини лойиҳалаштириш ва бунёд этишга самарали хизмат қилмоқда.

“АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ”НИНГ афзаллиги нимада?



Хабарингиз бор, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ички йўллари яхшилаш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчатлар экиш, давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш масалалари ижроси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, республикамизда мавзуга доир бажарилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, ички йўллари таъмирлашда Андижон тажрибасини омалаштириш лозимлиги уқтирилди.

Ҳўш, Андижон вилоятида синовдан ўтган ва республика миқёсида омалаштирилиши тавсия этилаётган бетон йўлнинг афзаллиги жиҳатлари нимада? Ана шу савол билан Андижон вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тўлқунжон ҚОРАЕВГА юзландик.

– Тажриба ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

– Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида ички йўллар абгор ҳолатда эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Афсуски, бу борадаги муаммони ҳал этишнинг ўзи бўлмайди. Zero, катта маблағ ва ҳам ашё импорт билан боғлиқ масалалар бу каби ҳаракатларга пурут етказиб келаётган эди. Шунинг учун вазият-ни ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш куннинг муҳим масаласига айланди. Андижон вилояти ҳокими Шухрат Абдураҳмонов ташаббуси билан йўл қурилиш учун фойдаланиладиган ҳам ашёнинг мўқобил турларини қўллаш масаласи ўртага ташланди. Сабоби, асфальт қўпламаси муаммоннинг асл ечими эмас. Чунки гарчи асфальт йўлнинг даврийлик мuddати 5 йил бўлса-да,

айрим ҳолларда бу бир йилга ҳам етмайпти. Боиси, унинг сувни сезувчанлик хусусияти кучли бўлиб, қор ва ёмғир оқибатида носозлик ҳолатлари кузатилади. Қолаверса, республикамизда битум хом ашёсининг етишмаслиги асфальт йўлни барпо этиш учун катта маблағ сарфланишига олиб келади. Бетон йўл масаласига келсак, унинг даврийлик мuddати 15-20 йилгача. Табиий иқлимга бардошли бўлиб, тайёрлашда ички хом ашёлардан фойдаланилади. Бу эса харажатни иқтисод қилишга, йўл ҳажмини орттиришга сабаб бўлади. Андижон вилоятида бетон йўлни барпо этиш қиш фаслида ҳам давом этади. Бунга сабаб, хом ашёнинг совуққа чидамлилигидир. Маълум бўлишича, -7 даража совуққача бўлган иқлимда бетон йўл бунёдқорлигини амалга ошириш мумкин. Буни асфальт йўл мисолида кўришнинг имкони йўқ. Мамлакатимизда ҳукм сураётган қишқик об-ҳавони инобатга оладиган бўлсак, демак, янгича услубни қиш фаслида ҳам қўллаш имконияти мавжуд.

– Йўлнинг иқтисодий тежамкорлик томонлари ҳам тўхталсангиз.

– Ана энди молиявий жиҳатдан таҳлил қилиб кўрайлик. Амалиётдан хулоса қилиш мумкинки, 1 километр узунликда, кенглиги 4,5 метри кўчани асфальт қилиш учун 600 млн сўм харажат қилинади. Агар бу иш бетон орқали амалга оширилса, 527 млн сўм сарфланади. Демак, 73 млн сўм маблағни тежаш имкони яратилади. Энг муҳими, бу услубдаги йўлнинг чидамлилиги мuddати бир неча барча ортади. Шу боис, бугунги кунга келиб Андижон вилоятидаги аксарият туманларда жойлашган ички йўллари шағаллаш ёки асфальтлаш ўрнига, бетонлашга киришилди.

15-20 сантиметр қалинликдаги бетон қоршिमаси асфальтга

нисбатан тўрт баробар чидамлик хусусиятига эга. Шу боис, бу тажриба ҳудудлардаги йўл билан боғлиқ муаммоларни узок мuddатга иқтисодий ечимини таъминлайди. Амалга татбиқ этилаётган янги тажриба нафақат маблағни иқтисод қилмоқда, балки иш кўламини ҳам оширмоқда. Масалан, жорий йилда вилоятда таъмирланиши муҳим бўлган 800 километр йўлни асфальт қилиш учун 480 млрд сўм маблағ сарфлаш ўрнига 422 млрд сўм эвазига бетон қоршима йўл барпо этиш орқали 58 млрд сўмни иқтисод қилиш мумкин. Бу эса ана 110 километр йўлни таъмирлаш имконини беради.

Бу йил Андижонда ички йўлларнинг таъмирланганлик даражасини 60 фоиздан 73 фоизга етказишга эришилди. Бу каби ҳаракатлар узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ўтган йилнинг сентябрь ойида "Рашид Милк" МЧЖ томонидан цемент маҳсулотини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирда ушбу жағият тасарруфида йўл қурилиши корхонаси ташкил этилиб, 10 дан ортиқ махсус техник воситалар сотиб олинди. Шу тариқа бетон йўл қуриш кластерига асос солинди.

Сўхбат давомида таъкидланганидек, Андижон вилоятида бетон йўл барпо этиш тажрибаси 2021 йилдан қўлланила бошланди. Бу давр мобайнида у турли синовлардан ўтказилди. Жорий йилдан бошлаб вилоят миқёсида уни омалаштиришга киришилди. Шу кунгача 31 та маҳаллада 23 километрдан иборат ички йўллар бетон билан қопланди. Келгуси беш йил давомида вилоятда 10 миң километрдан иборат кўчалар шу тариқа таъмирланиши режалаштирилган.

"O'zbekiston bunyodkori" мухбири
Зиё СИРОЖ сўхбатлашди.

СИФАТНИ ТАВСИФЛАШ ВА БАҲОЛАШ

Ислом ИБДОУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Инсон умрининг қанча қисми йўлларда ўтади дейсиз? Албатта, хат-ҳисоб қилинса, узун бир давр ўртага чиқиши беғумон. Мамлакатимизда йўл қуриш ва таъмирлаш жараёнлари юқори суръатда давом этаётган бир пайтда автомобиль йўлларининг ҳолатини тавсифлаш ва баҳолаш тартибларини текшириш алоҳида амалиётни тақозо этмоқда.

Бу борада "Йўл лойиҳа экспертиза" УК мутахассислари томонидан умум-ойдаланувдаги халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги, ҳамда аҳоли яшаш жойларининг кўча-йўл тизимлари автомобиль йўллари бирламчи, даврий, қабул қилиш ва махсус ташхислаш ишлари давомли олиб борилади. Тавсифлаш ишлари 2 та йўл ташхиси кўчма лабораториялар ва йўлларни текширишга мўлжалланган махсус ускуналардан фойдаланилган ҳолда бажарилади. Ташхис қилиш ишларини бажаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, ўлчов асбоблари давлат реестрига киритилган ва ўлчовларни стандартга мослигини таъминлаш қонунчилигига мувофиқ даврий аттестациядан ўтказилади.

Йўл ҳолатини ўрганиш турлари йўл қопламасининг бўйлама раволиги ва тишлаши коэффициентини баҳолаш, йўлларни панорамали видеотасвирга олиш, тўшамаларнинг мустаҳкамлигини баҳолаш, йўл конструкциясини аниқлаш ва қопламанинг йўл изини ўлчаш ва нуқсонларини топишдан иборат бўлади.

– Йўл қопламасининг тишлаши хусусияти прицепли мослама билан баҳоланса, батафсил инструментал текшириш кичик ўлчамли асбоб ёрдамида амалга оширилади, – деди "Йўл лойиҳа экспертиза" УК етакчи мутахассиси Йўлдош Тўхтаев. – Қопламанинг бўйлама раволигини баҳолаш икки хил усулда бажарилади. Буларнинг бири лазерли профилометр ва прицепли мослама билан жиҳозланган кўчма йўл лабораторияси ёрдамида бўлса, иккинчиси профилометр қурилмалар ёрдамида микропрофилларнинг ординатлари аниқлаш орқали ташкил этилади. Бажарилаётган ишларнинг сифатини ошириш учун қопламанинг бўйлама текислигини ўлчайдиган барча ускуналар, юқори аниқликдаги нивелирлар ва инвар рейжалар ёрдамида тайёрланган махсус полигонларда калибрланади.

Шунингдек, йўлларни панорамали видеотасвирга олиш автомобиль йўлларини ташхис қилиш пайтида, қўшимча равишда биттадан учтагача камера ёки панорамали видеокамерадан фойдаланилган ҳолда рақамли видеотасвир олинади. Қайта ишлаш дастури йўлнинг панорамали тасвирини олиш ва йўллар тизими бўйича ягона видеобанкни яратиш имконини беради. Видеокадрлар орқали йўлларда ямоқ солиш ишлари ҳамжамлари, қоплама, йўл четининг эини ўлчаш ишлари ва ҳоказолар амалга оширилади.

Йўл тўшамасининг конструкциясини аниқлаш эса, кен олинган маҳсулоти ёрдамида бажарилади. Йўл пойи грунтларининг таркибини ва намлигини аниқлаш сертификатланган йўл-қурилиш материаллари лабораторияси томонидан бажарилади. Ушбу навбатда, йўл қопламасининг йўл изини ўлчаш ва нуқсонларини аниқлаш йўлнинг кўндаланг раволини текшириш ва эгиллиш чўқуришини аниқлаш ишларини батафсил инструментал текшириш махсус йўл изини ўлчаш асбоби ёрдамида бажарилади. Йўл қопламасининг нуқсонларини видеотасвирга олиш эни 4,0 метр бўлган ва 1 мм аниқликдаги юқори тежисли камерадан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Маълумотларни қайта ишлаш яримавтоматик режимида бажарилади. Ускуналарнинг юқори аниқлиги кафолатланган даврда, ҳаттоки майда-чўйда нуқсонларни ҳам аниқлаш имконини беради.

ТА'ЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

“Geoinnavorlik g'oyalari – 2022”

Mirzo Ulug'bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish institutida O'zbek davlat yer tuzishni ilmiy-loyihalash instituti bilan hamkorlikda 22-aprel "Xalqaro yer kuni" ga bag'ishlab yosh zaminsozlarining "Geoinnavorlik g'oyalari – 2022" Respublika ko'rik-tanlovi bo'lib o'tdi.



"Geoinnavorlik g'oyalari – 2022" Respublika ko'rik-tanlovi avvalida institut rektori Ch. J. Turkylmaz barcha ishtirokchilar va hamkorlari "Xalqaro yer kuni" munosabati bilan samimiy tabriklab, "Ko'rik-tanlovda respublikamizning turli hududlaridan, jumladan Toshkent shahri, Xorazm, Farg'ona, Qashqadaryo va Buxoro viloyatlarida joylashgan oliy o'quv yurtlarining vakillari ishtirok etayotgani yoshlarning yerga bo'lgan mehr-muhabbatini oshirishga xizmat qilishini ta'kid-ladi. Qolaversa, ushbu ko'rik-tanlov oliy o'quv yurtlari talabalarini va professor o'qituvchilari orasida o'zaro integratsiyani ta'minlovchi ko'pri-k sifati ham ahamiyatli ekanligini aytib o'tdi.

Ushbu ko'rik-tanlovi o'tkazishda asosiy maqsad, yoshlarni qo'llab-quvvatlash, yuksak bilimli, mustaqil fikrlaydigan, o'zi tanlagan ta'lim yo'nalishi bo'yicha mukammal bilim va ko'nikмага ega bo'lgan yer tuzish, yerdan foydalanish, kadastr, geoinformatika, yer resurslarini boshqarish sohasidagi loyihaga hamda geoinnovatsion texnologiyalarni amaliyotda qo'llash, raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash, erkin fikrlash tafakkurini yuksaltirish, ilmiy g'oyalarni ro'yobga chiqarishdir. Shu bilan birga, "Ush-toz-shogird" an'anasini keng miq-yosda rivojlantirish orqali yosh ijod-korlarni bilimni tangaytirish hamda faoliyatini yanada takomillashtirish va rag'banlantirishga qaratilgan.

O'zbek davlat yer tuzishni ilmiy-loyihalash instituti bosh direktori R. Turayev tomonidan ushbu tad-riyotni tashkil etganligi uchun institut rahbariyati "Tashakkurnoma" bilan taqdirlandi.

O'zaro sog'lom raqobat muhi-tida o'tgan tanlov natijalariga ko'ra, barcha ishtirokchilar SamDAQI va O'zbek davlat yer tuzishni ilmiy-lo-yihalash institutining I, II, III darajali dipomlari va esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi.

Sirdaryo arxitektura-qurilish texnikumida uchrashuv

Sirdaryo arxitektura-qurilish texnikumida viloyat hududidagi barcha shahar va tuman hokimlarining mahallalardagi yordamchilari, yoshlar yetakchilari, mehnat bo'linmalari, mahalla fuqarolar yig'ini raislari, fuqarolar va maktab bitiruvchilari ishtirokida uchrashuv bo'lib o'tdi.



Uchrashuv vaqtinchalik mehnat faoliyatini amalga oshirish uchun xo-rigga chiqib ketayotgan fuqarolarni kasb-hunar va chet tillariga o'qitish-da yo'l qo'yilgan kamchilik hamda muammolarni bartaraf etish, Tashqi mehnat migratsiyasi masalalari bo'yicha Respublika komissiyasi faoliyati chora-tadbirlar rejasiga muvofiq tashkil etildi.

550 nafardan ortiq kishi ishtirok o'tgan tadbirda texnikum faoliyati va unda yaratilgan shart-sharoitlar bilan ham yaqindan tanishuv bo'ldi.

TAQIDA “Miss Constructor” tanlovi bo'lib o'tdi

Toshkent arxitektura-qurilish institutining Talabalar turar joyida "Miss Constructor" tanlovi bo'lib o'tdi.



Tanlovda Qurilishni boshqarish fakultetining talaba-qizlari bir nechta shartlar bo'yicha o'zi ma-horatlarni namoyish etishdi. Xusu-san, talaba qizlar tomonidan ijro etilgan tanishtirish, bahor salatinii tayyorlash, mantiqiy savol-javoblar,

mevali assorti tayyorlash, sport shartlari tomoshabinlar va hakam-lar ha'yati tomonidan katta olqish-larga sazovor bo'ldi. Tanlov g'oliblari esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi. O'z muxbirimiz.



Рамазон — Юммулкларга зорловчи айём

Иброҳим АНВАРОВ,
Самарқанддаги
“Флоренция Самарқанд”
масъулияти чекланган жамияти директори.

Рамазон ойида меҳр-мурувват, саховат ишларини амалга ошириш савоб амаллардан ҳисобланади. Кишилар бошқа вақтга қараганда саҳийликни намойиш этиб, касалманд, ногирон, мискин ва камбағаллар ҳолидан хабар олади. Муқаддас ой кириши билан барча мусулмонлар ҳаёти хайр-барака мавсумига айланади. Яхшиликлар кўпайиб, ёмонликлар чекинади.

Бизнинг жамоа ҳам савобли ишлардан ортда қолмасдан самарқандликлар ҳамда юртимизга ошурта кишилар учун арзон ва сифатли, миқозларга маъқул, енгил шартлар асосида 3 йил муддатгача фозисиз тўлов билан кўплаб турар жойлар, маданий-маиший бинолар, савдо мажмуаларини бунёд этиб, уларнинг эҳтиёжларини қондиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Қолаверса, Самарқанд шаҳрининг чиройига чирой қўшиш ҳамда янада обод бўлишига чинакам интилишяпти. Шу боисдан муборак ойда барча курувчилар, ишчи-хизматчиларга қўшимча маош, совға-саломлар, кийим-кечаклар ташкил қилдик. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳам ёрдам уюштирилди. Камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашилиб, меҳнатга лаёқатли аҳолини имкон қадар

иш билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бинокорларимиз томонидан қадимий кенда қурилатган замонавий иморатлар шаҳар чиройига янада кўрк бағишлаб, сазой-ҳаракатларимиз барчага манзур бўлаётгани жамоамизни ташаббуслар кўрсатиш сари чорлаяпти. Бугун фахрлини гапиришимнинг боиси ҳам шундан. Ахир, жонажон юртимизда бўлаётган

улкан бунёдкорлик ҳамда ободчилик ишлари кимни қувонтирмайди, дейсиз! Шундай кунларга етказганига шукроналар айтиб, уни ғанимат билиб, янада илдам қадам ташлаш барчамизнинг бурчимиздир. Рамазон ҳаёти барчамизга муборак бўлсин, меҳр-оқибат айёмининг шарофатидан Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин, ҳалқимизнинг аҳил-иноқлиги мустаҳкамланаверсин!



Абадий боғ

Райҳона ХҲЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” муҳбири.

Баҳор барибир, кишлоққа шаҳардагидан кўра кўпроқ ва бошқачароқ файз билан келади. Кишлоқ аҳли бизга ўхшаб романтикага ўч эмас, бунга ортиқча вақти ҳам йўқ. Қўёш сал қиздириб, ер селгиса бўлди, елкасига кетмонини илиб, даласига жўнайди.

Бу йил эрта баҳорда кишлоққа бордик. Яқин йилларда бу фаслда бормаганим учунми, атроф-далага қараб кўзим тўймайди, суқланиб қараганим сари хайратим ошади, қалбимдаги ғуборлар тумандек тарқаб кетгандек бўлди. Эринмай икки ҳафталаб ёққан ёмғирдан кейин дарахтларнинг барглари янада ям-яшил бўлиб товланади, бошқа тарафда олчалар қийғос гуллаган, поёни кўринмас бугдойзорлар зумраддек товланиб кўзни қамаштиради.

Зиёрат учун бошқа туманда яшайдиган ота-онамни кўришга отландим. Болагим ўтган ўша Оқдарё бўйларида ҳиди димоқни ёргудек бўлиб тараладиган ялғизларни ўз кўларим билан термаганимга ҳам неча йиллар бўлибди. Кўчамизга шундоқ бурилишимиз билан узокдан тугилиб ўсган ота ҳовлим кўзга ташланади. Нега марта борсам ҳам ҳар гал қалбимда ўзгача энтиқиш, интиқлик, соғинч ва меҳрни ҳис қилаверман.

Ҳовлига киришим билан худди истироҳат боғига келиб қолгандек бўлдим, ростки. Аммо тан олиш керак, Тошкентнинг мана-ман деган парк ҳам дадамнинг боғидан чиройли эмас. (Ҳар ҳолда мен учун шундай). Тартиб билан экилган дарахтлар орасида исталган мевани топиш мумкин. Уларнинг аксарияти қийғос гулга кирган бўлса, баъзилари барг чиқариш билан овера. Баланд қилиб кўтарилган тоқларнинг сарғимтир барглари энди ниш урмоқда. Қўшин-ёзин ям-яшил бўлиб, ҳовлимизга ўзгача кўрк бағишлаб турувчи арчалар ва мен номини билмайдиган гуллар доимгидек барқ уриб турибди. Эрта баҳорда экилганлари ҳам буй кўрсатиб қолган.

Эҳ, бу боғлар. Мен тугилганимдан то палаҳмон тоши бўлиб отилганимга қадар ўзининг сархил мевалари билан йилнинг исталган пайтида таъминлаб турганини айтмасам бўлмайди. Аслида буларни ёзишдан мақсадим ҳам шун, дадамнинг, йўғе бобомнинг боғи эди-ку... Хуллас, янги уй қуриб кўчиб чиққан йилларимиз. Ҳали ҳовлимиздаги кўчатлар мевага киришга улгурмаган. Бобомникида турганимизда у кишининг ширин-шакар меваларини истаганча еб, узиб, отиб, уйнаб катта бўлганимиз учунми, янги уйдаги ме-

васиз дарахтларга ҳеч кўниқолмадик. Бозор ва кўни-кўшиникидан келган мевалар биз болалар учун “беш дақиқалик” эрмак холос. — Дада, дарахтларингиз қачон мева қилади? — Нега аввал дарахт экиб, кейин уй қурмагансиз? — Бу саволлар мен ва ука-сингилларим томонидан кунда-кунора такрорланади. — Яна бир-икки йил ўтсин, қайси мевани ейишни билмай қоласизлар, унганча ана, бобонгизни боғидан бемалол бориб еб келаверинглар. — Уррееее. — Бола бўлганимизда, кўчиб кетгача, у уйда бизнинг аввалгидек ҳаққимиз йўқлигини, энди ҳаддимиз сифмаслигини қаердан ҳам билимиз.

— Мени дарахтим, — ҳаммадан катта бўлганим учун энг аввал боғга кириб, эрта баҳор ҳамма мевалардан олдин пишидиган тарам-тарам қизил нақшлари бор ширин олма дарахтига чирмашдим. Бу дарахтни бир пайтлар бобом иккала мизитти кўчат пайти бирга эккандик. Кўчатни экиб бўлганимиздан кейин бобом, “Бу сенинг олма дарахтинг, уни ўзинг парвариш қиласан, қанча кўп одам унинг мевасидан еса, сенга шунча савоб ёзилади” деган эди.

Боғдаги бошқа дарахтлар ҳам синглим ва укаларим томонидан “забт этилди”. У пайтлар дори-пори деган нарсалар бўлмагани учунми, дархтдан мевани шундай узиб олиб ейверардик. Ҳаммамиз ўзимиз эқтирган мевани ейиш билан банд эканмиз, тўсатдан пастда кимдир бақириб қолди. — Кимдан сўраб кирдиларинг боққа? Уялмасдан худди ўзини боғида юргандек дарахтнинг тепасига чиқиб олгани-чи бу зумршаларни. — Олма шохларини қайириб пастга қарасам, уйда укаларим амакимнинг хотини қўларини белга кўйганича, тепага қараб турибди.

— Бу бобомнинг боғи, дарахтларни бирга экканмиз. Шунинг учун хоҳлаган пайтимиз келаверамиз. Билагонлигим амакимнинг хотинини баттар жаҳлини чиқарди. Қошлари чимирилиб, ранглари қизариб мен чиққан дарахт остига келди: — Энди сизларни уйингиз бошқа, демак, бу боғда ҳам ҳеч қандай ҳаққингиз қолмаган, тез тушиб, жўнаб қолларинг. Мен бу мевалардан қишга мураббо билан кампот қилмоқчи.... Тўсатдан янгам айтаётган гапини тугатолмай тилини тишлаб қолди-ку. Нима бўлди экан, дея секин мураласам, шундоққина боғнинг уртасида ҳассасига таяним бобом

турибди. Оппоқ соқолини тез-тез тараб кўйишдан билдимки, ёмон жаҳли чиққан. Икки сакраб, пастга тушдим-да, бобомни ёнида пайдо бўлдим. — Токи мен тирик эканман, набираларим истаган пайтида боғимдаги мевалардан истаганича олиб ейди. Қолаверса, ўсиб турган дарахтдаги мевани қизганиш, Худода ҳам уш келмайди. Аксинча, қанча одамнинг оғзи тегса, шунча савоби катта бўлади. Сал кўнглингизни кенг қилсангиз-чи... — Ҳализамон лаби-лабига тегмай жавраётган янгам бошини қимирлатиб, “Хўп” дегандай бўлди, тезда уйига кириб кетди. — Сизлар ҳечам хафа бўлмагилар, болаларим. Бу мевалар ҳовлингиздаги дарахтлар катта бўлганича сизларни ҳам. Бемалол келиб, териб, олиб кетишингиз мумкин. Буларни барчасини сизлар учун экканман. Мендан қоладигани ҳам шу аслида.

Бу гаплар унут бўлиб кетди. Икки йилдан кейин дадам эккан кўчатлар илк нишонасини кўрсатди. Энди бизникида ҳам мевалар сероб. Бир пишиб тугамасидан бошқаси этилиб туради. Бобом айтганидек, кўни-кўшинига ҳам улашамиз. Баъзан, дарахтлар шунчалик кўп ҳосил берганидан, хатто киши билан ҳам еб тугатолмай қолган пайтларимиз бўларди. Фақат... Бир нарса менга ҳечам тинчлик бермайди. Бобомнинг вафотидан сўнг унинг боғи ҳам тўсатдан қуриб қолди. Дарахтлар худди нимадир етишмаётгандек сарғайиб, барглари тўкилиб, чўпга айланди. Ҳеч нарса ёрдам бермади. Сабабини эса ҳеч ким билмади.

Энг қизиғи, бир пайтлар меваларни биздан қизганиб, боғдан қувиб солган янгам ҳар йили мураббо сезони бошланса, ҳовлимизда ҳозир-нозир. Унинг ўша пайтда айтган гаплари ёнида йўқми ёки эслашни хоҳламайдими, бу ҳақда умуман гаплашмаймиз. Ҳар гал челагини кўтариб келганда ўзим дарахтга кўчиб, энг чиройли ва фарқ пишган мевалардан териб бераман. Худди бобом ўргатганидек. Бугун ота уйимга фақат меҳмон бўлиб бора оламан. Энди дарахтга қичиб, мева териб ейишлар менга ярашмайди. Аммо ҳар гал кишлоққа келсам, болагимнинг хотиралар қайтадан кўз ўнгимда гавдаланаверади. Бобомнинг вафотидан кейин қуриб қолган боғи ҳаёлимда айланаверади... — Ойижон қаранг, бобомнинг боғидан тердик.

Ҳаёл билан бўлиб ҳовлига кирган пайтимиз чопқиллаб кетган қизалоқларимни унутибман-ку. Аллақачон бобосининг боғидаги қоқиғуллардан бошларига гулчамбар ясаб тақиб олган қизларимга қараб секингина хўрсиндим. — Боболарнинг боғи абадийдир. Уларни умрбод унутиб бўлмайди...

Табиатга муҳаббат Энг гўзал хулқдир

Музаффархон ЖОНИЕВ,
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази
Ҳадисшунослик бўлими бошлиғи,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Инсоният томонидан табиатга етказилаётган зарар, барча тирик мавжудотлар ҳаётига солинаётган таҳдид – бугунги даврнинг глобал муаммоларидан бири. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, экотизимнинг беқарорлашиши глобал исниши келтириб чиқараётганига кун сайин гувоҳ бўлиб бораётибиз. Саноат инқилобидан кейин қазиб олинган дарахт ёқилғидан фойдаланишнинг кўпайиши инсониятнинг атроф-муҳитга етказган асосий зарарларидан биридир. Мазкур ҳолат ҳисобга олиниб, сўнгги йилларда юртимизда табиатни муҳофаза қилиш, қўқаламзорлаштиришни жадаллаштириш мақсадида жиддий оқимлар кўйилди.

Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўқаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бугун Ўзбекистон бўйлаб, кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу хайрли иш нақадар аҳамиятли эканлигига тўхталиб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бир йиллик тадбир эмас. Унинг доирасида келгуси беш йилда 1 миллиард туп дарахт кўчати экишни мақсад қилганмиш. Бу умуммиллий ҳаракатнинг натижаси ҳар бир маҳаллада кўриниши керак, бу савобли ишни ҳавас билан қилиш керак”, деган эди.

Президентимизнинг ушбу қаққирқлари замирида, она табиатга бўлган муносабатда кўпроқ амалий ишларга эътибор қаратган ҳолда кўчат экиб, боғ яратиш ҳамда “яшил макон”ни Яратганнинг бебаҳо неъматидек, деб билиш ва ўз ҳолича асраш, муҳофаза қилиш каби эзгу ишларга даъват ётади. Унутмаслик керакки, бугунги кунда экологик муаммо сифатида юзага келаётган салбий ҳолатлар аслида инсоният хатти-ҳаракатининг маҳсулидир. Шу сабабли, одамларнинг табиат билан муносабатларига доир тарбияда, кўпроқ миллий ва диний қадриятларнинг кўрган ҳолда, Унинг ҳикмати ва марҳамати олдида таълим бўлишидир. Шу жиҳатдан, бугунги кунда она табиатни асраш биз учун қанчалик муҳимлигини янада яхшироқ англаб бораётишимиз зарур. Юртдошларимизнинг саломадлиги, иқлим софлиги ва сув таъминотининг мунтазамлиги, ўн минглаб йиллар давомида шаклланган тупроғимизнинг унумдорлигини сақлаб қилиш дарахт ва ўсимликлар билан чамбарчас боғлиқ.

Халқимизда, “Яхшидан боғ қолади”, деган аjoyиб бир нақл бор. Шу жиҳатдан, бугун мамлакам мусулмонларнинг эътиборини мазкур фаровонлик ва бойлик манбаига қаратиб, бизни деҳқончилик билан шуғулланиш, боғ яратиш, жойларда дарахт экишга қаққирганлар. Хусусан, Имом Бухорий ривоят

Рамазон ҳаёти муносабати билан газетамизнинг ушбу сони 2022 йил 3 май кунги чиқиши режалаштирилган сони билан қўшилган ҳолда чоп этиляпти. Газетамизнинг келгуси сони 2022 йил 6 май кунги чиқади.



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир хайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАСКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«ЎзгеоангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-443.
2239 нусxada бўлиди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоиси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар
тақриб қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Р. Ҳужаева.

ЎзА якуни – 23.10.
Топширилди – 00.10.